

“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти Ягона акциядорининг 6-сонли қарори

2020 йил 16 сентябр

Тошкент шаҳри

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштрилган акциялар 83 226 790 056 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикасининг давлат активларини бошқариш Агентлигига тегишли бўлиб, Агентлик жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тугрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акцияларини чиқариш.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акцияларини чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.2020 йилдаги 23-сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ “Навоий КМК” ДКнинг бир қатор соҳага оид бўлмаган ва ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилмаган активларини (шу жумладан электр узатиш тармоқлари ва энергетика тизими объектлари) маҳаллий ҳокимият ва бошқа ташкилотларга, шу жумладан “Худудий электр тармоқлари” АЖ таркибидаги “Навоий ХЭТК” АЖ, “Самарқанд ХЭТК” АЖ ва “Жиззах ХЭТК” АЖларга баланс (қолдиқ) қиймати бўйича берилиши кўзда тутилган.

Мазкур қарорнинг 12-бандида Давлат активларини бошқариш Агентлигига белгиланган тартибда “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖ устав капиталидаги давлат улушини қарорнинг 1-иловасида келтирилган активларнинг баланс (қолдиқ) қийматига оширилиши масаласини ушбу жамиятларнинг бошқарув органлари томонидан кўриб чиқилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 20.01.2020 йилдаги 9-сонли буйруғи қабул қилиниб, унда қарорнинг 1-иловасида келтирилган энергетика тизимига оид объектларни қабул қилиб олиш юзасидан тегишли худудий корхоналарга аниқ кўрсатмалар берилган ва бугунги кунга келиб Жамият таркибидаги “Навоий ХЭТК” АЖ, “Самарқанд ХЭТК” АЖ ва “Жиззах ХЭТК” АЖлар томонидан тегишли активлар ўрнатилган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномалари орқали “Навоий КМК” ДКдан қабул қилиб олинган. Хусусан, “Навоий ХЭТК” АЖ томонидан қолдиқ баланс қиймати 11 908 750 525,25 сўмлик 1880 та, “Самарқанд ХЭТК” АЖ томонидан қолдиқ баланс қиймати 2 721 142 590,75 сўмлик 77 та ва “Жиззах ХЭТК” АЖ томонидан қолдиқ баланс қиймати 0 (нолга) тенг 14 та энергетика тизими объектлари ва асосий воситалари қабул қилиб олинган.

Ўз навбатида, Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 12.05.2020 йилдаги 378/08-02-сонли хати билан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.2020 йилдаги 23-сонли қарори

12-банди ижросини ўрнатилган тартибда таъминлаш учун “Навоий ХЭТК” АЖ ва “Самарқанд ХЭТК” АЖларга “Навоий КМК” ДК томонидан топширилган мулкларнинг қолдиқ баланси қиймати миқдорлари ҳисобига ушбу корхоналар устав капиталидаги “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг улушини ошириш ва шундан сўнг жами 14 629 893 116,0 сўмга “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ устав капиталидаги давлат улушини оширилиши юзасидан кўрсатма берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сонли қарорига биноан Мажбурий ижро бюроси тарафидан 2019 йил давомида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга берилган ва АСКУЭ тизимини жорий этиш лойиҳаси доирасида электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун сарфланган 161 170 110 814,68 сўмлик мақсадли маблағларни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида капитализация қилиш юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядорининг 21.08.2020 йилдаги 5-сонли қарори қабул қилинган.

Ушбулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.2020 йилдаги 23-сонли қарорига биноан “Навоий ХЭТК” АЖ ва “Самарқанд ХЭТК” АЖларга “Навоий КМК” ДК томонидан топширилган жами қолдиқ баланси қиймати 14 629 893 116,0 сўмлик мулклар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сонли қарорига биноан Мажбурий ижро бюроси тарафидан АСКУЭ тизимини жорий этиш лойиҳаси доирасида электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун 2019 йил давомида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга берилган 161 170 110 814,68 сўмлик мақсадли маблағлар ҳисобига “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг устав капиталини жами 175 800 003 900,0 сўмга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан умумий қиймати 175 800 003 900,0 (бир юз етмиш беш миллиард саккиз юз миллион уч минг тўққиз юз) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик қўшимча 1 758 000 039 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларнинг чиқарилиши амалга оширилсин.

2. Қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари куйидагича белгилансин:

акциялар ёпиқ обуна йўли билан Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади;

акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб акциялар бир йил ичида жойлаштирилади;

ушбу чиқарилишдаги акциялар “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида биржадан ташқари уюлмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади;

ушбу чиқарилишдаги акциялар 100 сўмдан жойлаштирилади;

акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.2020 йилдаги 23-сонли қарорига биноан “Навоий ХЭТК” АЖ ва “Самарқанд ХЭТК” АЖларга “Навоий КМК” ДК томонидан топширилган жами қолдиқ баланси қиймати 14 629 893 116,0 сўмлик мулклар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сонли қарорига биноан Мажбурий ижро бюроси тарафидан АСКУЭ тизимини жорий этиш лойиҳаси доирасида электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун

2019 йил давомида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга берилган 161 170 110 814,68 сўмлик мақсадли маблағлар ҳисобига амалга оширилади;

“Навоий КМК” ДК томонидан топширилган жами 14 629 893 116,0 сўмлик мулклар ҳамда Мажбурий ижро бюроси тарафидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга берилган 161 170 110 814,68 сўмлик мақсадли маблағлар ва қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг умумий суммаси ўртасидаги 30,68 сўм миқдоридagi фарқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинади;

акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, шу кундан эътиборан ўн кунлик муддатда акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар белгиланган тартибда қайтарилади.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акцияларининг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун жамиятнинг акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорини амалдаги қонунчиликка асосан тасдиқлаш лозим.

Жамиятининг қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 августда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган) талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқарув раиси У.М.Мустафоевга Жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

**Давлат активларини бошқариш
Агентлиги директори ўринбосари в.б.**

 **Т.Набиев**